

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги қошидаги Юристларни  
малакасини ошириш маркази

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги  
қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2018 йил 27 сентябрдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги  
қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги  
ПК-3953 сонли қарорининг мазмун-моҳияти  
ва уни амалда қўллаш масалалари

Муротов Журабек Сафарович

## Соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ-684-сонли Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги «Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4544-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3953-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги «Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўtkазиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3550-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 январдаги «Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 37-сонли Қарори

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 1 майдаги 180-сон «**Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**»ги буйруғи (рўйхат рақами 3013, 2018 йил 14 май)

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 186-сон «**Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**»ги буйруғи (рўйхат рақами 3015, 2018 йил 21 май)

**8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 185-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3016, 2018 йил 26 май)**

**9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 11 июлдаги 219-сон «Давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳукуқига эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3057, 2018 йил 20 август)**





Қонуннинг амал қилиши қайд этилган дастур ва қарорларда белгиланган лойиҳаларни рўёбга чиқаришда амалга ошириладиган давлат харидларига қўлланилади

Инвестиция дастурида ва бошқа давлат дастурларида

Президент ёки ҳукумат қарорларида

Давлат буюртмачиларининг хўжалик фаолиятини юритиш чоғида амалга ошириладиган давлат харидларига

Бюджет тизими бюджетларининг, шунингдек бюджет ташкилотларида ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган давлат харидларига

*Бюджет тизими барча даражадаги бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ташкил этиш принциплари, улар ўртасида бюджет жараёни мобайнида юзага келадиган ўзаро муносабатлар йиғиндисини ўзида ифодалайди (Бюджет кодекси 6-модда).*

Бюджет тизими бюджетларининг, шунингдек бюджет ташкилотларида ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган давлат харидларига

Президент ва Ҳукумат томонидан донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, чет эл ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари билан тузилган шартномалар доирасида тақдим этиладиган чет эл грантлари, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикасига бериладиган чет эл кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган давлат харидларига.

молиявий, гуманитар ёки хайрия ёрдами ҳисобидан ҳамда бошқа беғараз, қайтарилмайдиган тарзда молиялаштириладиган давлат харидларига нисбатан татбиқ этилади.



Давлат харидларининг  
асосий принциплари

1. Касбий маҳорат ва масъулиятлилик

2. Асосланганлик

7. давлат харидлари тизимининг  
ягоналиги ва яхлитлиги;

3. Молиявий маблағлардан фойдаланишнинг  
оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги;

4. Очиқлик ва шаффофлик;

5. рақобат ва холислик;

6. Мутаносиблик;

8. коррупцияга йўл қўймаслик.

## Манфаатлар тўқнашуви

Давлат харидлари соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсадлари:

- 1) давлатнинг стратегик мақсадлари ва вазифаларига эришиш;
- 2) давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини таъминлаш;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини ва бошқа давлат дастурларини бажариш;
- 4) давлатнинг ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш бўйича функцияларини бажариш;



5) давлат хизматларини кўрсатиш учун давлат харидлари субъектларига қулай муҳитни шакллантиришдан, шунингдек давлат харидларини амалга оширишда коррупцияга ва қонунчиликнинг бошқача тарзда бузилишларига қарши курашишдан иборат.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларида чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида З та маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига кўра ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга таклифларни баҳолашда фойдаланиладиган имтиёзлар ва преференциялар берилиши мумкин.



؟ Қайси ҳолатларда давлат харидини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида белгиланиши мумкин?

### Вазирлар Маҳкамаси

1. давлат харидлари соҳасида давлат сиёсати шаклланиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

2. давлат харидлари соҳасида бюджет тизими бюджетлари маблағларидан оқилона фойдаланиш, харид қилиш тартиб-таомиллари турларини такомиллаштириш ва уларнинг қўлланилишини шунингдек тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш ўзасидан чоралар кўради;

### Молия вазирлиги (ваколатли орган)

1. давлат харидлари соҳасида давлат томонидан тартибга солишни ва давлат сиёсатини амалга оширади;

2. давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тизимини, шу жумладан, электрон тизимни ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқаришнинг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш бўйича чоралар кўради;

3. давлат буюртмачиларининг давлат харидлари соҳасидаги фаолияти устидан назорат бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

4. харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш ва таққослаш усулларини ҳамда мезонларини, шунингдек улар ўтказилишини ташкил этиш тартибини белгилайди;

5. харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари томонидан энг яхши таклифларни танлаб олиш ва тендерда иштирок этиш учун электрон шаклда таклифлар бериш тартибини белгилайди;

3. давлат харидлари электрон тизими операторларини ҳамда уларнинг давлат харидларини ташкил этиш ва амалга оширишга тааллуқли фаолияти тартибини, шунингдек маҳсус ахборот портали фаолияти тартибини белгилайди;

4. давлат харидларининг электрон тизимига нисбатан талабларни белгилайди;

5. иқтисодий жиҳатдан энг фойдали таклифни баҳолаш усулини қўллаш тартибини (баҳолашнинг нархга асосланмаган мезонларини) ишлаб чиқади;

6. Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия таркибини тасдиқлайди.



6. давлат харидлари бўйича ахборотни жойлаштириш, ошкор қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини ҳамда ҳажмларини, шунингдек товарга (ишга, хизматга) ҳамда давлат харидларини амалга ошириш усулига қараб эълон қилишга доир қўшимча талабларни белгилайди;

7. харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўғрисидаги эълонларнинг, харид қилиш хужжатларининг намунавий шаклларини тасдиқлайди;

8. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини шакллантириш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

9. Шартномаларнинг ягона реестрини юритиш тартибини белгилайди;

10. давлат харидлари соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши устидан мониторинг ва назоратни таъминлайди;

11. давлат харидлари субъектларидан ахборотларни сўраб олади, жамлайди, уларни таҳлил қиласди ва ҳисоботларни шакллантиради;

12. давлат харидлари соҳасида харид қилиш ва коррупцияга қарши курашиш стандартлари бўйича сертификатлаштириш тизимини жорий этишга доир таклифларни ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритади.





1.ДАВЛАТ БҮЮРТМАЧИЛАРИ 2 гурұхга ажратылған: бюджет буюртмачилари ва корпоратив буюртмачилар.

**1) бюджет буюртмачилари:**

- ❖ давлат органлари ва муассасалари;
- ❖ бюджет ташкилотлари;
- ❖ харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун йүналтириладиган бюджет маблағларини олувчилар;
- ❖ давлат мақсадлы жамғармалари;
- ❖ бюджет ташкилотларида ташкил этилған бошқа жамғармалар;

**2) корпоратив буюртмачилар:**

- a) давлат корхоналари;
- b) устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар;
- c) устав фондида (устав капиталида) ушбу модданинг 2-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар;
- d) устав фондида (устав капиталида) юқорида b)-бандда кўрсатилган ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар.

**2. Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этишва ўтказиш чоғида давлат буюртмачиси томонидан шакллантириладиган, ушбу тартиб-таомилларни ўтказиш тартибида шакллантирилиши талаб этиладиган коллегиал органдир.**

Харид комиссияси  
ишининг асосий  
мақсади



Иштирокчиларнинг  
таклифларини холис баҳолаш,  
тартибга солиш ва ғолибни  
танлаш

Харид комиссияси давлат буюртмачиси ҳузурида фаолият кўрсатадиган, давлат буюртмачисининг тегишли қарорлари билан шакллантириладиган ва тарқатиб юбориладиган органдир.

Харид комиссияси тоқ сонли аъзолардан иборат бўлади, унинг аъзолари таркиби ва сони харид қилиш тартиб-таомилининг турига боғлиқ бўлади ҳамда қонунчиликка мувофиқ ва олинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Харид комиссиясининг ишига раис раҳбарлик қилади, у харид комиссияси мажлисларини чақиради ва олиб боради, овозга қўйишни ва харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қилади, шунингдек харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолайди. Харид комиссияси раиси йўқлигига унинг вазифаларини ўринбосари бажаради.

Харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган масъул котиби ташкил этади.

Ваколатли орган вакилини бошқа давлат буюртмачисининг харид комиссияси таркибига киритишга йўл қўйилмайди.

Харид комиссияси қарори харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Харид комиссияси аъзоларида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари билан афғилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўриб чиқилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда харид комиссияси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

؟ Комиссия аъзоларининг сони тоқ бўлиш кераклиги тўғрисидаги масала қандай ҳал этилади бундай ҳолда?

## Харид комиссияси вазифалари

- Харид комиссияси  
вазифалари**

  1. харид қилиш ҳужжатларини келишади;
  2. таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;
  3. таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;
  4. таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;
  5. зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;
  6. харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;
  7. дастлабки малака танловини ўтказади, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;
  8. зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қиласди;
  9. зарур бўлганда баҳолаш гурӯхини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиласди;
  10. Харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.

3. Ихтисослашган ташкилот давлат буюртмачисининг топшириғига кўра товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларини амалга оширишни ташкил этиш бўйича шартномага асосан пулли асосда хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахсдир.

Давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишни ташкил этиш мақсадида ихтисослашган ташкилотни жалб қилишга ҳақли.

Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида ([www.xarid.uz](http://www.xarid.uz)) 68 та ихтисослаштирилган ташкилотларнинг рўйхати жойлаштирилган.

**Ихтисослашган ташкилотлар давлат харидларини ўтказишни ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун қуидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:**

- 1) юридик шахс мақомига эга бўлиши;
- 2) ихтисослашган ташкилотнинг муассислари орасида давлат харидининг бошқа субъектлари бўлмаслиги;
- 3) давлат харидларини ўтказишни ташкил этиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш бўйича амалий тажрибага эга бўлган бир нафардан кам бўлмаган ходимга эга бўлиши;
- 4) маҳсус ахборот порталига уланиш имконини таъминловчи дастурий-техник воситаларга эга бўлиши.

## **Ихтисослашган ташкилот қўйидаги хизматларни кўрсатади:**

- 1) товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нархини аниқлайди, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно;
- 2) маркетинг тадқиқотларини ва бошқа тадқиқотларни ўтказади;
- 3) реклама ишларини ташкил этади;
- 4) харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўғрисидаги хабарномалар, эълонлар матнларини, харид қилиш ҳужжатларини расмийлаштиради;
- 5) харид қилиш тартиб-таомиллари талаблари, шартлари ва улар бўйича тушунтиришлар матнларини қонунчиликка мувофиқ тайёрлайди;
- 6) давлат буюртмачисига харид қилиш тартиб-таомилининг турини таклиф қиласди;

- 7) давлат буюртмачисининг ёзма мурожаатига кўра давлат харидларининг тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ахборотни давлат харидларининг электрон тизимига ва маҳсус ахборот порталига қонунчиликка мувофиқ жойлаштиради;
- 8) ғолиблар билан имзоланадиган шартномалар лойиҳаларини тайёрлайди;
- 9) давлат буюртмачисининг ёзма топшириғига кўра бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни фақат молиялаштириш манбалари мавжудлиги тасдиқланган тақдирда, жойлаштиради;
- 10) давлат буюртмачисининг ёзма топшириғига кўра харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларига ўз таклифларининг амал қилиш муддатини муайян муддатга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қиласди;
- 11) харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини расмийлаштиради;

؟ Давлат харидларининг амалга оширилиши чоғида ихтисослашган ташкилот томонидан тегишли қонунчиллик ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолларда жавобгарлик кимга юклатилади?

4) Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида маслаҳат ва (ёки) таклифларни кўриб чиқиш, баҳолаш ҳамда таққослаш бўйича **хулоса олиш учун экспертлар ёки эксперт ташкилотлари** тегишли шартнома асосида жалб этилиши, шу жумладан текин асосда жалб этилиши мумкин.

**Эксперт** – маслаҳат хизматларини кўрсатиш ва (ёки) хулоса бериш учун давлат харидлари предмети билан боғлиқ соҳада маҳсус билимларга эга бўлган жисмоний шахсдир.

**Эксперт ташкилоти** – ходимлари маслаҳат хизматларини кўрсатиш ва (ёки) хулоса бериш учун давлат харидлари предмети билан боғлиқ соҳада маҳсус билимларга эга бўлган юридик шахсдир.

Экспертлар ёки эксперт ташкилотлари

Эксперт маслаҳат хизматларини кўрсатади

Хулоса беради

5) Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган жисмоний ёки юридик шахсдир.

6) Давлат харидларининг ижрочиси харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича ғолиб деб топилган ва ўзи билан давлат харидлари тўғрисида шартнома тузилган иштирокчиidir.

7) Давлат харидлари электрон тизимининг оператори давлат харидларининг субъектларига давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўrsатадиган, давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган томонидан белгиланадиган маҳсус ваколатли юридик шахсдир.

Давлат  
харидлари  
жараёни

1. Давлат  
харидларини  
режалаштириш

2. Харид қилиш  
тартиб-таомилларини  
амалга ошириш

3. шартномани тузиш  
ва бажариш

4. давлат харидлари  
МОНИТОРИНГИ.

Давлат харидларини режалаштириш давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилади

1. Давлат харидларини режалаштириш

- 1) харидларни тизимлаштириш
- 2) давлат харидларини режалаштириш
- 3) бюджет ва инвестиция жараёнларидағи режалаштириш
- 4) хұжалик фаолиятини режалаштириш үртасида үзаро алоқани таъминлаш

Давлат харидларининг йиллик режа-жадвали бюджет буюртмачилари томонидан жорий йилнинг 25 мартаға қадар махсус ахборот порталыда жойлаштирилади.

Келгуси йил учун давлат харидларининг йиллик режа-жадваллари корпоратив буюртмачилар томонидан жорий йилнинг 25 декабряға қадар махсус ахборот порталыда жойлаштирилади.

2. Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари қуидагилардан иборат:

- 1) электрон дүкон;
- 2) бошланғич нархни пасайтириш учун үтказиладиган аукцион;
- 3) энг яхши таклифларни танлаш;
- 4) тендер;
- 5) тұғридан-тұғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари;
- 6) Президент ва Ҳукумат қарорлари билан рухсат берилган бошқа рақобатли турлари

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган ижрочининг **2 йил давомида** давлат харидларида иштирок этиши мумкин эмас, бу муддат тугаганидан кейин ижрочи Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестридан чиқарилган ҳисобланади.

### 1) ЭЛЕКТРОН ДҮКОН.



Корпоратив ([www.eshop.uzex.uz](http://www.eshop.uzex.uz)) Буюртмачи учун бир шартнома бўйича БХМнинг 25 000 бараваригача (6 750 000 000,00), бюджет ([www.shop.uzex.uz](http://www.shop.uzex.uz)) буюртмачилар учун БХМнинг 2500 (675 000 000) товар.

Корпоратив Буюртмачи учун бир шартнома бўйича БХМнинг 100 бараваригача (27 000 000), бюджет буюртмачилар учун БХМнинг 50 (13 500 000) ишлар, хизматлар.

Бюджет буюртмачиси томонидан айни **бир турдаги товарларнинг** давлат хариди бир молия йили давомида БХМнинг 10 000 (2 700 000 000), бир турдаги **ишларнинг, хизматларнинг** давлат хариди бир молия йили давомида БХМнинг 500 бараваригача (135 000 000), корпоратив буюртмачи БХМнинг 1000 (270 000 000).

Иштирокчининг электрон дўконда қўйилган таклифи давлат буюртмачиларига юборилган оммавий офертадир.

Иштирокчининг офертаси у электрон дўконда жойлаштирилган пайтдан эътиборан ўн беш иш куни мобайнида амал қиласди. Ушбу муддат тугаганидан кейин иштирокчи уни яна ўн беш иш кунига активлаштиришга ҳақли.

؟ Иштирокчи офертани қандай муддатда чақириб олишга ёки унга ўзгартериш ва қўшимчалар киритишга ҳақли?



1. Давлат буюртмачиси электрон дўконда иштирокчиларнинг оферталарини ўрганиш йўли билан ўзи учун зарур бўлган товарни (ишни, хизматни) танлайди
2. товар (иш, хизмат) танланганидан кейин нархлар сўрови механизмидан фойдаланади.
3. электрон тизим автоматик режимда, нархлар сўрови механизмини амалга оширган ҳолда танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчига юборади.
4. Иштирокчилар нархлар сўровида иштирок этиш тўғрисидаги таклиф давлат харидларининг электрон тизими томонидан юборилган пайтдан эътиборан 48 соат ичида ўз таклифларини беришга ҳақли.
5. Иштирокчиларга юборилаётган нархлар сўровида иштирок этиш тўғрисидаги таклиф давлат буюртмачиси томонидан танланган иштирокчининг офертасига доир ҳаволани ўз ичига олади.
6. Давлат харидларининг электрон тизими давлат буюртмачиси ва энг паст нархни таклиф қилган ижрочи ўртасида тузилган битимни рўйхатдан ўтказади.

7. Электрон тизим шартномани давлат буюртмачиси томонидан танланган иштирокчининг офертасида баён этилган шартларга мувофиқ ҳамда иштирокчилар томонидан таклиф этилган энг паст нархда шакллантиради.

2. Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган **АУКЦИОН** воситасидаги давлат хариdi қуидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади.

- 1) товарнинг стандарт хусусиятларга эга бўлиши;
- 2) товарнинг техник, эксплуатация қилиниш хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини баҳолаш ҳамда таққослаш зарурати мавжуд эмаслиги;
- 3) товарнинг қиймати бир шартнома бўйича БРВнинг 25 000 бараваригача (6 750 000 000) (бюджет буюртмачилари учун 6000 бараваригача) (1 620 000 000) бўлган миқдорини ташкил этиши керак.

**! Хизматлар ва ишлар** давлат хариdi аукцион объекти бўла олмайди.

Товарни эълонда баён этилган шартлар асосида **энг паст нарх бўйича** етказиб беришни таклиф қилган иштирокчи аукцион ғолиби бўлади.

Аукцион фақат электрон шаклда ўтказилади.

Аукционда иштирок этиш учун давлат буюртмачиси маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига эълон жойлаштиради.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон у амалга оширилишидан камида беш иш куни аввал жойлаштирилиши керак.



Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қуидаги маълумотлар **бўлиши**  
**керак:**



1) давлат буюртмачисининг номи ва манзили;



2) аукционнинг биринчи ва охирги куни;



3) аукцион предметининг бошланғич нархи;



4) аукцион предмети ва унинг хусусияти;



5) товарнинг миқдори;



6) товарларни етказиб бериш муддатлари ва шартлари;

- 7) товарлар етказиб бериладиган жой (манзил);
- 8) товарнинг амалдаги стандарт талабига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжудлиги ҳақидаги талаб;
- 9) товар мажбурий сертификатлаштирилиши талаб этиладиган ҳолларда, мувофиқлик сертификати ва санитария-эпидемиологик хулоса мавжудлиги түғрисидаги талаб;
- 10) зарур бўлганда, лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжат ёхуд фаолиятни бошлагани ҳақидаги хабарнома мавжудлиги түғрисидаги талаб;
- 11) товарнинг ўзига хос хусусий параметрларини ифодаловчи шартлар.


3. Энг яхши таклифларни **ТАНЛАШ** воситасидаги давлат хариdi қуидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) қиймати бир шартнома бўйича БҲМнинг 25 000 бараваригача (бюджет буюртмачилари учун 6000 бараваригача) бўлган миқдорни ташкил этади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан давлат буюртмачиларига тендер ўтказмасдан харидларни амалга ошириш ҳуқуқи берилса, харид қилиш тартиб-таомили давлат харидининг суммасидан қатъи назар танлаш орқали амалга оширилади.

Бунда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати БҲМнинг 25 000 (бюджет буюртмачилари учун 6 000) баравари миқдоридан ошган ҳолларда давлат харидига доир техник топшириқлар қонунчиликда белгиланган тартибда экспертиза учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасига киритилади.



Президент ва Ҳукумат қарорларига асосан тўғридан тўғри тузиладиган шартномаларни эълон фақат давлат харидига доир техник топшириқ бўйича **Комплекс экспертиза қилиш марказининг ижобий холосаси олинганидан кейин жойлаштирилади.**

Танлашда таклиф муҳрланган конвертларда тақдим этилади. Таклифда давлат хариди обьекти бўлган товарнинг:

- эскизи,
- расми,
- чизмаси,
- фотосурати
- ва бошқа тасвири,
- нусхаси,
- намунаси бўлиши мумкин.

**Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.**

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан **10 иш кунидан ошиши мумкин эмас.**

Тендер воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

- 1) ғолибни аниқлаш мезонлари товарнинг (ишнинг, хизматнинг) нафақат пул билан баҳоланишини, балки миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳоланишини ҳам ўз ичига олади;
- 2) товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича БҲМнинг 25 000 бараваридан ортиқ (бюджет буюртмачилари учун БҲМнинг 6 000 бараваридан ортиқ) миқдорни ташкил этади.

Давлат харидини тендер ўтказиш орқали амалга ошириш учун камида 7 нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссияси тузилади.

Аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, харид комиссияси ваколатли ҳисобланади.

Тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон фақат тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари юзасидан Комплекс экспертиза қилиш марказининг ижобий хулосаси олинганидан кейин жойлаштирилади.

Тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон тендер иштирокчиларидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан **камида ўн икки иш куни** ва кўпи билан **ўттиз иш куни олдин** маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига давлат буюртмачиси томонидан жойлаштирилади.

Тендер иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан **45 иш кунидан ошиши мумкин** эмас.

## ТҮФРИДАН-ТҮФРИ ШАРТНОМАЛАР

Түфридан-түфри шартномалар бўйича давлат харидлари қуийдаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин: (ПК-3953 сонли қарор иловасидагирўйхат)



- 1) Ягона етказиб берувчилар реестрига киритилган ягона етказиб берувчи билан давлат харидини амалга ошириш учун рухсат этилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди;
  
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида түфридан-түфри шартномалар бўйича амалга ошириладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) давлат хариди;

3) фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди;

4) суд муҳокамасида иштирок этиш учун адвокатни (вакилни) тайинлаш билан боғлиқ бўлган давлат хариди;

5) илм–фан, адабиёт ва санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшилтириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшилтиришлари каби интеллектуал фаолият натижаларининг мазкур интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқقا эга бўлган ягона шахсдан давлат хариди;

6) нархи (тарифи) давлат томонидан тартибга солинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди.

Давлат буюртмачилари тұғридан-тұғри шартномалар тузилганиншылық  
тұғрисидеги ахборотни шартнома тузилган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида  
махсус ахборот порталына жойлаштириши шарт.

Тұғридан-тұғри шартномалар тузилганиншылық тұғрисидеги ахборот маңызда  
ахборот порталына жойлаштирилмаган болса, ушбу шартномалар бүйічә тұловлар  
амалга оширилмайды.

؟ Банк (банкларар) хизматтар ва операцияларни күрсатишига мазкур қонун  
тадбік этиладими?

？ Вазирлик (идора, муассаса) ва унинг таркибидеги ташкилот (муассаса)  
үртасида товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харид қилиниши тендер асосида  
амалга ошириладими?

«ХТ-Харид технологиялари» МЧЖ қўшма корхонаси томонидан электрон танловлар ва электрон тендерларни ташкил этиш бўйича муқобил электрон платформа — [tender.mf.uz](http://tender.mf.uz) яратилган.

**Давлат харидлари электрон савдоларига иштирокчиларни киритиш учун иштирокчи қайси мезон талабларига мувофиқ бўлиши керак ?**



“Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 3015, 2018 йил 21 май) нинг 20-бандида иштирокчиларни харидга киритиш:

- уларнинг шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги мезонларига мувофиқ бўлганда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

**Давлат харидлари электрон савдоларида тузилган шартнома бўйича товарни қачон етказиб бериш лозим ?**

Ижрочи (етказиб берувчи) шахсий кабинетига Оператор томонидан шартнома бўйича **тўлиқ тўлов тўланганлиги** ва ушбу шартнома бўйича товарни етказиб бериш мумкинлиги тўғрисидаги **хабарномани олганидан сўнг**, шартномада белгиланган муддатдан кечиктирмай буюртмачига товарни етказиб бериши керак.

Агарда ижрочи (етказиб берувчи) шахсий кабинетига шартнома бўйича тўлиқ тўлов тўланганлиги ва ушбу шартнома бўйича товарни етказиб бериш мумкинлиги тўғрисидаги хабарнома келиб тушмасдан аввал товарни етказиб берилган бўлса, товар учун тўлов **кимнинг зиммасида бўлади?**

Ижрочи томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) Ҳисоб Китоб Клиринг Палатаси томонидан тўлов амалга оширилиши тўғрисидаги хабарномасиз етказиб берилган тақдирда, буюртмачи томонидан товарлар учун **тўловни амалга оширмаслик хавфи ижрочининг зиммасида бўлади**. Яъни, Оператор ушбу шартнома бўйича етказиб берилган товар учун тўловни кафолатламайди.

Операторга етказиб берилган товар учун түловни ўтказиш учун нима асос бўлиб ҳисобланади ?

Агар буюртмачи бюджет буюртмачиси бўлса:

Етказиб берилган товар учун түловни ўтказишга асос, бюджет буюртмачиси томонидан УзАСБО дастурига киритилган ва Молия вазирлиги томонидан Операторга жўнатилган ҳисоб-фактура ҳисобланади.

Агар буюртмачи корпоратив буюртмачи бўлса:

Етказиб берилган товар учун түловни ўтказишга асос, корпоратив буюртмачи томонидан шахсий кабинет орқали “бажарилди” тугмасини босиш орқали Операторга келиб тушган маълумот ҳисобланади.

dxarid.uzex.uz/uz

Сервисы Авиабилеты Aberration in a sent... Яндекс Комплектации | RA... Ноутбук HP ProBook My Sud Поиск отделений... uzbek cyrillic - latin... Список для чтения

**UZ EX** Budget: **buyurtunachilari xaridlari** 11 : 23 : 36 Bosh sahifa Bog'lanish UZ RU EN Tizimga kirish

XARIDLAR SAVDOLAR ISHTIROKCHILAR HUJATLAR STATISTIKA

## BITIMLAR SONI

Joriy yil bo'yicha	Oxirgi oy bo'yicha	Bugungi
48,912	0	0

## BITIMLAR SUMMASI

Joriy yil bo'yicha	Oxirgi oy bo'yicha	Bugungi
1,164,075,141,420	0	0

## BUGUNGI SAVDOLAR

Umumiy qiymat	Lotlar soni
0	0

UKSION • 1160

Ko'rsatish 20 Mening filtrlarim QIDIRISH TIZIMI

Отправьте нам сообщение

Lot raqami	Savdo tugash muddati	Hudud	Tuman	Buyurtmalar nomi	Boshlang'ich qiymat	Ohirgi eng yaxshi narx/ Ishtirokchilar soni
1 5334597	04.10.2021 10:00:00	Farg'ona viloyati	Marg'ilon shaxri	Краска	360 000 UZS	Narx taqdim etilmagan
2 5334638	04.10.2021 10:00:05	Farg'ona viloyati	Rishton tumani	Папка регистрация	500 000 UZS	Narx taqdim etilmagan
3 5334595	04.10.2021 10:00:10	Farg'ona viloyati	Marg'ilon shaxri	Краска	360 000 UZS	Narx taqdim etilmagan
4 5334916	04.10.2021 10:00:15	Namangan viloyati	Namangan shaxri	Внешний жесткий диск	12 740 000 UZS	Narx taqdim etilmagan
5 5333869	04.10.2021 10:00:20	Farg'ona viloyati	Uchko'priq tumani	Мотора комплект	6 490 000 UZS	6 230 400 UZS   (2)
6 5333978	04.10.2021	Farg'ona viloyati	Yozyovon tumani	Бумага А4	280 000 UZS	Narx taqdim etilmagan





Товарлар каталоги

Тизим ҳақида

Янгиликлар

Тарифлар



уз ▾

Кириш

МЧЖ "XT-XARID TEKNOLOGIYALARI" ҚҚ

# Давлат харидлари электрон тизими

Давлат харидларини турли шаклларда ўтказишни замонавий дастурий  
ечими

[Тизим ҳақида күпроқ ўчиш](#)

8

Онлайн  
фойдаланучилар  
сөни

6468

Рўйхатдан ўтган  
фойдаланучилар  
сөни

1046

247

Барча якунланган  
танловлар

156

Барча танловлар  
бўйича тузилган  
шартномалар

0

Очиқ тендерлар сөни

1

Тендерлар сөни

0

1

Барча тендерлар  
бўйича тузилган  
шартномалар

0

Очиқ тендерлар сөни

0

1

Тендерлар сөни

**Эътиборингиз  
учун раҳмат!**